



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ




E-mail: Info@xs.uz



2020 йил 4 февраль, № 25 (7527)

Сешанба



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ДАВЛАТ КОТИБИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 февраль куни мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлган Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби Майкл Ричард Помпеони қабул қилди.



Президент Шавкат Мирзиёев кейинги йилларда барқарор, тизимли тус олган ва ўзаро ишончга асосланган кўп қиррали Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари изчил ривожланаётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликнинг янги даврини бошлаб берган 2018 йил май ойида АҚШга олий даражадаги тарихий ташриф чоғида эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида ўзаро алмашинувлар фаоллашгани алоҳида таъкидланди.

Конструктив, жумладан, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар бўйича сиёсий мулоқот йўлга қўйилди. Савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик, молиявий, аграр, энергетик, таълим, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик кенгаймоқда.

Кейинги бир неча йил давомида товар айирбошлаш ҳажми икки баробар кўпайди. АҚШнинг етакчи компаниялари иштирокида мамлакатимиз иқтисодиётининг турли тармоқларида истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Америка инвестицияларининг умумий ҳажми 1 миллиард доллардан ошди.

Жорий ўқув йилидан бошлаб мамлакатимизда Вебстер университетининг филиали ўз ишини бошлади.

АҚШ Давлат котиби, ўз навбатида, самимий қабул учун Президентимизга чуқур миннатдорлик билдирди ҳамда Президент Дональд Трампнинг саломи ва эзгу тилақларини етказди.

АҚШ томони Ўзбекистоннинг мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини доимо қўллаб-қувватлашда қатъий эканини яна бир бор тасдиқлади.

Майкл Помпео Ўзбекистонда олиб борилаётган демократик янгиланишлар ва иқтисодий ислохотларнинг натижадорлигини юксак баҳолади.

Давлат департаменти раҳбари, шунингдек, Ўзбекистоннинг барқарор тараққиёти икки томонлама муносабатларни ривожлантириш йўлида мустаҳкам асос яратяётганини таъкидлади.

Учрашувда минтақавий аҳамиятга молик масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Давлат котиби Тошкентда Марказий Осиё ва АҚШ ташқи ишлар вазирларининг навбатда-

ги учрашуви муваффақиятли ўтказилгани билан табриклади.

Янги Ўзбекистон раҳбарининг сиёсати туфайли минтақада ишонч, шериклик ва яхши кўшниччилик муҳитини шакллантиришда катта натижаларга эришилгани таъкидланди. 2019 йил ноябрь ойида пойтахтимизда ўтган Марказий Осиё давлатлар раҳбарлари иккинчи Маслаҳат учрашувининг самарали натижалари алоҳида қайд этилди.

Иқтисодиёт соҳасида АҚШ етакчи компанияларининг Ўзбекистон бозоридаги иштирокини кенгайтиришни ўзаро қўллаб-қувватлаш юзасидан аниқ келишувларга эришилди.

Майкл Помпео бугунги кунда мамлакатимизда савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўламини бир неча ўн қарра ошириш имконини берадиган бизнес ташаббуслари учун кенг имкониятлар мавжудлигини таъкидлади.

Бундан ташқари, АҚШ мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига кириш жараёнини жаддаллаштиришга ҳар томонлама кўмаклашиши қайд этилди.

Инсон салоҳиятини ривожлантириш, жумладан, фуқаролик жамиятини ривожлантириш-

ни қўллаб-қувватлаш, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ижтимоий дастурларни амалга оширишда конструктив ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳофиза қилинди.

Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, шунингдек, ушбу мамлакатни Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорликка жалб қилиш масалалари юзасидан батафсил фикр алмашилди.

Майкл Помпео Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий тиклашга доир аниқ инфратузилма лойиҳаларини илгари суришга қаратилган фаол саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлади.

Учрашув сўнггида томонларнинг Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги стратегик шериклик ва амалий ҳамкорлик муносабатларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш борасидаги интилишлари қатъий экани таъкидланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

Янги Ўзбекистон – янги парламент

Танзила НАРБАЕВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Раиси

Олий Мажлис Сенати:

ЯҚИН ВА УЗОҚ ИСТИҚБОЛДАГИ ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ БОШ МЕЗОНИ – ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШДИР

Авваламбор, таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси мамлакатимизнинг нафақат 2020 йилда, балки келгуси беш — ўн йилда ривожлантиришнинг стратегик йўли, демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг дастуриламалидир. Энг муҳими, Мурожаатномада Ўзбекистон учун демократик ислохотлар йўли яқинроқ ягона ва энг тўғри йўл эканлиги далиллар билан кўрсатиб берилди.

Шу маънода, Мурожаатномани аниқлаш, унда тилга олинган масалаларни тўғри тушуниш жуда муҳим.

Ушбу дастуриламал ҳужжатда, бундан аввал эса Сенатнинг биринчи мажлисида, парламент палаталарининг қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари бугун жамиятимизда олиб борилаётган янгиланиш ислохотларини таъминлашда жамоатчилик ўрни ва аҳамиятига алоҳида урғу берди.

Жамоатчилик деганда, биринчи навбатда, сенаторлар ва депутатларнинг халқ вакиллари сифатида янада ташаббускор бўлишлари таъкидланди. Чунки Юртбошимиз таъбири билан айтганда, биз янги Ўзбекистонни халқимиз билан биргаликда барпо этамиз, деган улуғвор мақсадни ўз олдимишга қўйганмиз. Бу борада “Жамият — ислохотлар ташаббускори” деган янги ғоя кундалик фаолиятимизга киритилишига алоҳида урғу берилди.

Шунинг учун сенаторлардан мамлакатимизда кечаётган ислохотларда шунчаки кузатувчи бўлиб четда туриш эмас, аксинча, шу янгиланишларнинг фаол иштирокчиси, ташаббускори, парламент назорати институтининг муҳим субъектига айланиши талаб этилмоқда. Ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан парламент ва депутатлар назоратини таъминлаш, халқ билан мулоқот жараёнларида жамоатчилик назорати

механизмлари кундалик ҳаётда ўз ифодасини топиши лозимлиги муҳимдир.

Аввало, ўз иш услубимизни ўзгартирамиз

Мамлакат тараққиётининг янги босқичида парламент, хусусан, Сенат олдида ҳам залварли вазифалар юкланди. Олий Мажлисининг келгуси беш йилдаги фаолиятининг пировард мақсади Ҳукумат билан биргаликда халқимиз ҳаётини юксалтиришдан иборат. Бунда “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” тамойили амалда ишлашини таъминлашга эътибор қаратамиз.

Бинобарин, таъкидлаш жоизки, Сенатнинг асосий вазифаси мамлакатимиз ҳудудлари манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Шунинг билан биргаликда, ислохотларга ҳамқадам тарзда зарур қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янгиллаб бориш, мамлакатимиз ҳаётига оид, жамиятда алоҳида қизиқиш уйғотадиган ўта муҳим масалаларга доир қарорларни қабул қилишда фуқароларнинг фикрларини эътиборга олиш диққат марказимизда бўлади.



Ифтихор

ЎЗБЕКИСТОН СПОРТИ ТАРИХИДА МУТЛАҚО ЯНГИ ВА ЁРҚИН САҲИФА

Профессионал бокс бўйича жаҳон чемпиони
Муроджон Аҳмадалиев муносиб тақдирланди.

2020 йилнинг

31 январь санаси
нафақат Ўзбекистон, балки
жаҳон спорти тарихи
саҳифаларига зарҳал
ҳарфлар билан битилди.

Шу кунги АҚШнинг Майами шаҳрида бокс бўйича миллий терма жамоамиз аъзоси Муроджон Аҳмадалиев мезбон давлат чарм кўлоқ устаси Даниэль Романи 12 раундлик мurosасиз жангда мағлуб этиб, ярименгил вазн (-55,34 кг.) тоифасида Жаҳон бокс уюшмаси — WBA ва Халқаро бокс федерацияси — IBF йўналишлари бўйича жаҳон



чемпионлиги камарини қўлга киритди. Бу билан у ўзбек бокс мактаби нафақат хаваскор, балки професси-

онал боксда ҳам катта натижаларга эриша олишини исботлади.



Жаҳон тажрибаси



Жаҳон адабиётининг забардаст вакили, аргентиналик мумтоз ёзувчи, улуг шoir ва моҳир адабий танқидчи Хорхе Луис Борхес ўз ҳикматларидан бирида “Яхши китобхон яхши ёзувчига нисбатан камроқ учрайди” дея таъкидлаб ўтган эди. Назаримизда, бу парадокс эмас, аини ҳақиқатдир. Юртимизда сўнгги йилларда китобхонлиқни оммалаштиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани эса яхши китобхонлар сонини кўпайтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз. Бинобарин, аҳоли ўртасида ана шундай қатлам қанча кенгайса, мустаҳкамланса, жамият

маънан юксалади, турли иллатлар камаяди, юрт тараққиёти жаддалашади.

Яқинда иқтисодиёт фанлари доктори Муртазо Раҳматов ва жаҳон физиологлар жамияти Стокгольм академияси аъзоси, профессор Бақридин Зарипов ҳаммуаллифлигида чоп этилган “Истеъдодли инсонлар мамлакатнинг бебаҳо бойлигидир” сарлавҳали китобни сотиб олиб, мириқиб ўқиб чиқинди. У нафақат ўқувчиларнинг сиёсий дунёқарашини юксалтирадиган, балки улар қалбиде “Ватан равнақиға қандай ҳисса қўшсам экан?” деган эзгу истакни ҳам жўш урдирадиган асар бўлибди.



Мулоқот

«Марказий Осиё — АҚШ» («C5+1») форматидеги ташқи ишлар вазирлари учрашуви

3 февраль куни Тошкентда Марказий Осиё ва Америка Қўшма Штатлари ташқи сиёсат идоралари раҳбарларининг «C5+1» шаклидаги учрашуви бўлиб ўтди.

Тошкент учрашувида Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги Мухтор Тлеуберди, Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги Чингиз Айдарбеков, Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги Сирожидин Мухридин, Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раиси ўринбосари, ташқи ишлар вазирлиги Рашид Мередов, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги Абдулазиз Комилов ва АҚШ Давлат котиби Майкл Помпео иштирок этди.

Делегациялар раҳбарлари ўз нутқларида 2015 йили Самарқанд шаҳрида бошланган вазирлар учрашувларининг форматини ўзаро манфаатли ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш ва кенгайтиришнинг долзарб ҳамда самарали механизми сифатида ўзини намоийш этганини таъкидладилар.

Шунингдек, вазирлар учрашувида долзарб минтақавий муаммолар, хусусан, Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди.

«Халқ сўзи».





Олий Мажлис Сенати:

ЯҚИН ВА УЗОҚ ИСТИҚБОЛДАГИ ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ БОШ МЕЗОНИ — ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШДИР



Бундан ташқари, қулай инвестиция ва бизнес муҳитини яратиш, ислохотлар самараси ҳар бир ҳудуд, тармоқ, маҳалла, оила ва ҳар бир инсон ҳаётида акс эттишини таъминлашга, шунингдек, тадбиркорларга кенг йўл очиб, “Ҳар бир оила — тадбиркор”, “Ёшлар — келажагимиз” каби дастурларнинг сўзсиз ижросини таъминлашга ҳам эътибор қаратилади.

Эндикидека сенаторлар фақат марказда эмас, ҳудудларда кўпроқ фаолият олиб боришади. Бу вазифа жойлардан сайланган сенаторларимизга ҳам, доимий иш олиб бораётган Сенат аъзоларига ҳам қўшимча масъулият юклайди. Юқори палатанинг ҳар бир вакилига ҳудудлардаги шахар ва туманлар бириктирилди. Улар аҳоли билан учрашади, халқ билан мулоқотда бўлади, маҳаллий Кенгашларнинг фаолиятини янада яхшилашга ҳаракат қилади. Қолаверса, рақамли иқтисодиётга ўтиш, замонавий ва миллий иқтисодиётнинг қиёфасини ўзгарттириш, унинг самарадорлигини ошириш борасидаги тадбирларда ҳам фаол иштирок этади.

Сенаторлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда биттадан туман ёки шаҳар Кенгаши фаолиятини намунали ташкил этиш чораларини куради. Белгиланган вазифалар ижроси бўйича натижалар ҳар ҳафтада Сенат мажлисларида муҳокама этилади.

Мурожаатномадан келиб чиққан ҳолда, Сенат фаолиятининг устувор йўналишларидан бири этиб ижтимоий соҳани янада ривожлантиришга қўмаклашиш белгиланди. Парламент юқори палатаси ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, аҳолини мактабга таълим ва бошқа таълим муассасаларига жалб қилишни кенгайтириш, айниқса, Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари билан боғлиқ муаммоларини ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор қаратади. Шу билан бирга, маданият, санъат, туризм соҳаларини ривожлантириш, миллий маданий меросимизни асраш каби масалалар сенаторлар эътиборида бўлади.

Шу ўринда ўтган ҳафтада Сирдарё вилоятида бўлиб, маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан очик мулоқотлар ташкил этилганини қайд этмоқчиман. Президентимизнинг Мурожаатномасида белгиланган вазифалар ҳусусида фикр алмашиш, уларни самарали ижро этиш ҳақида ҳам келишиб олдик. Бошланган ҳафта давомида барча сенаторларимиз мамлакат бўйлаб ана шундай амалий мулоқотлар ўтказиш учун ҳудудларга йўл олишади. Бундай жонли мулоқотларга асосланган фаолият халқ вакилларининг доимий иш услубига айланади.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Эндикидека, олдинизга қўйилган устувор вазифалар, яъни ҳудудий вакиллик палатаси сифатида Давлат бюджет лойиҳасини кўриб чиқиш ва унинг ижроси устидан таъсирчан парламент назоратини таъминлаш мақсадида Сенат девони таркибида Давлат бюджети бошқармаси ташкил қилинади.

Мазкур тузилма, биринчи навбатда, ажратилаётган Давлат бюджети маблағларининг ҳудудлар кесимидаги ижроси устидан таъсирчан парламент назоратини таъминлашга қаратилган фаолиятга қўмаклашади.

Сенаторлар ҳамда депутатлар илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётнинг ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳукумат, тармоқ ва ҳудудлар раҳбарларининг ҳисоботларини Олий Мажлис палаталарида мунтазам эшитиб бориши зарур, бунинг учун тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади.

Юқори палата вакиллари мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш юзасидан олиб бориладиган ишларда ҳам етакчилардан бўлиши лозим. Айниқса, жорий йилда давлат дастурлари доирасида ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш орқали 500 мингта янги иш ўрни яратишда, касбга қайта тайёрлаш орқали одамларни муносиб иш жойи билан таъминлашда ҳар бир халқ вакилидан масъулият билан ёндашиш талаб этилади.

Танзила НАРБАЕВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Раиси



ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Халқимизга «тиш-тирноқли», тўғридан-тўғри ишлайдиган қонунлар керак

“Қонунчиликни янгилашдан мақсад — фақат қонун қабул қилиш эмас, ақсинча, янги қонунлар эртага одамларга қандай амалий наф бериши, уларнинг ҳаётини қандай енгиллаштириши ҳақида бош қотиришдан иборат бўлмоғи лозим”.

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида келтирилган ушбу сўзлар парламент қуйи палатасида бўлиб ўтган сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракциялари йиғилишларида устуворлик касб этди. Чунки ҳар жиҳатдан пишиқ-пухта тайёрланган, “тиш-тирноқли” қонунларгина юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила манфаатларини таъминлашга, юрт тараққиётини кафолатлашга хизмат қилади.

Микромолиявий хизматлар ҳажми ортади

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида “Микромолиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгарттишлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси атрофида муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси микромолиялаштиришнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш ва ҳажмини ошириш, шунингдек, мамлакатда ушбу хизматларнинг сезиларли даражада кенгайишига ёрдам беради.

Микромолиялаштириш янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 23 июлдаги “Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида микроқарзнинг максимал миқдори 50 миллион сўмгача, микрокредитлар 300 миллион сўмгача ва микролизинг миқдори 600 миллион

сўмгача оширилиши қўзда тутилган.

Фракция аъзоларининг қайд этилишча, қонун лойиҳасига киритилаётган ушбу ўзгарттишлар аҳолининг ва тадбиркорлик субъектларининг микромолиявий хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш, шунингдек, тўлов қобилиятини юксалтириш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ҳамда кўрсатилган микромолиявий хизматлар ҳажми қўлайлишга қўмак беради.

Депутатлар инфляцияни живлаш, пул-кредит сиёсати механизмлари таъсирчанлигини ошириш каби масалаларни атрофлича кўриб чиқиб, ўз тақлифларини билдиришди.

Ижтимоий буюртма тартибини соддалаштиришга қаратилган

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгарттишлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғилишида атрофлича кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳасини қабул қилишнинг мақсади давлат ижтимоий буюртмасини бериш тартибини соддалаштиришга қаратилган таъкидланди. Шунингдек, “Нодавлат но-тижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонунларга қўра, Президент ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан давлат органлари ҳузурида тузилдиган жамоатчилик кенгашларининг вазифа ва функцияларини ўзaro мувофиқлаштириш орқали бирлаштириш ҳамда давлат органлари ҳузуридаги тақдорланувчи вазифаларга эга бўлган бирдан

ортик жамоатчилик кенгашлари тузилишининг олдини олиш ҳисобланади.

Хусусан, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддасида социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат бошқаруви органлари томонидан ННТга давлат ижтимоий буюртмасини бериш, жамоатчилик кенгаши таркибини шакллантириш тартиби, шунингдек, танлов шартлари ва уни ўтказиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши кўрсатилган.

Бюрократик тўсиқ ва говларга барҳам берилади

Мамлакат тараққиётининг муҳим соҳалари, чунончи, суд-ҳуқуқ тизимини янада ривожлантиришга қаратилган қатор қонун лойиҳалари Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида кўриб чиқилди.

Депутатлар “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгарттиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасида ушбу ҳужжатни қабул қилиш орқали суд тизимида қатор ислохотлар амалга оширилиши белгиланаётганини таъкидлади.

Хусусан, суд раислари ваколатидан ишларни тақсимлаш билан боғлиқ нормалар қичқилиб, ишларни судьяларга фақат автоматик равишда тақсимланишини белгиланган ўзгарттишлар киритилмоқда. Фракция аъзолари фикрича, бу орқали бюрократик тўсиқ ва говлар бекор қилинишига эришилади.

Шунингдек, ҳужжалик юритувчи субъект томонидан талабномани

қўриб чиқишнинг бир ойлик муддатини ўн беш кун этиб ўзгарттиш тақлиф қилинпти. Қайд этилганидек, бу ҳужжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги низоларни тезкор ҳал қилишга қўмаклашиш имконини яратди.

Шу билан бирга, лойиҳада суд ҳужжатларининг ахборот тизимидадан фойдаланган ҳолда электрон ҳужжат тарзида шакллантирилиши нормаси белгиланмоқда. Депутатлар айтиб ўтганидек, мазкур имкониятнинг яратилиши суд қарорларини сифатли тайёрлашга, вақт сарфини қисқартиришга ҳамда суд иштирокчиларининг ҳужжатлар билан таъминлишига бўлган ҳуқуқи тезкор амалга оширилишига ёрдам беради.

Таклиф мунозара келтириб чиқарди

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида “Бола ҳуқуқлари кафолатларининг янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгарттиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Ушбу лойиҳа билан амалдаги 7 та қонунга ўзгарттиш ва қўшимчалар киритиш қўзда тутилган.

Жумладан, Мазмۇрий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан мазмۇрий тарзда чиқариб юбориш тартиби акс этган моддасида уларни қандай ҳолларда чиқариб юбориш мумкин эмаслиги ҳақида аниқлик киритилмоқда.

Йиғилишда, шунингдек, Оила кодексининг никоҳдан ажратиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариш вақтида суд томонидан ҳал этиладиган масалаларга оид моддаси (44-моддаси)га тақлиф этилган қўшимча қизғин мунозара келтириб чиқарди.

Фракция аъзоларининг фикрича, Оила кодексига тақлиф этилаётган ушбу қўшимча принципаллик ва аниқликни тўлиқ ифодаламайди. Масалан, Кодексда “боланинг онги даражасини инобатга олиш”, деган мураккаб тушунча киритилган

Зиёда АШУРОВА
(«Халқ сўзи»).

2020 йил — Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида, айниқса, бу борадаги ишларимиз янгича тус олади. “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида ёшларнинг замонавий билимларини оширишга эътибор қаратилади. “Электрон ҳукумат” фаолиятини тўлиқ йўлга қўйиш, маҳаллий ижро органлари кадрларини Молия, Иқтисодиёт ва саноат, Адлия, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирликлари ҳамда Давлат статистика қўмитасида малака оширишларини таъминлаш, янгича иш услубларини жорий этиб бориш юзасидан ҳам йиллик режалар белгилаб олинади.

Маҳаллий Кенгашлар фаолияти тубдан такомиллаштирилади

Сўнгги даврда, айниқса, охириги уч йилда ҳудудий вакиллик органларининг назорат фаолиятини кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилди.

Маҳаллий Кенгашларнинг ваколатлари тобора кенгайиб бормоқда, албатта, келгусида ижро органи ва вакиллик органи фаолиятларини такомиллаштириш, давлат ҳокимияти бўлиниш тамойилига тўлиқ жавоб берадиган ҳолатга олиб келиш режалаштирилган. Ҳокимларнинг маҳаллий Кенгашларга раҳбарлик қилиши амалиётига қонуний чек қўйиш шулар жумласидандир.

Аmmo бугунги кунда маҳаллий Кенгашлар фаолияти талабга жавоб бермаётгани, аҳоли муаммоларини ҳал этишда уларнинг ўрни сезилмаётгани Мурожаатномада алоҳида қайд этиб ўтилди.

Улар фаолиятидаги муаммолар ва камчиликларни таҳлил қиладиган бўлсак, биринчидан, бугунги кунда Кенгашлар ҳудудлардаги долзарб масалалар ечимини топишда ўз ваколатларидан деярли фойдаланмаяпти.

Сессияларни ташкил этиш, тегишли масалаларни олиб чиқиш ва муҳокама қилишда депутатларнинг ҳамда доимий комиссияларнинг ўрни сезилмайди. Аксарият ҳолларда сессиялар номинида ўтказилади.

Шу билан бирга, депутатлик сўровига ижро ҳокимиятининг айрим раҳбарлари эътиборсизлик билан қарамоқда. Оқибатда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган масалалар ҳал этилмай қоляпти.

Мурожаатномада илк маротаба Кенгаш сўрови институтини жорий этиш тақлифи киритилди. Бу бўйича ҳам қонунчиликка ўзгарттириш киритиш юзасидан ишлар бошлаб юборилди.

Энди ҳар ойда маҳаллий Кенгашларда давлат органи раҳбарларининг аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, қонун, Фармон, қарорларда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ахборотларини эшитиб бориш ва фаолияти қоникорсиз деб топишган раҳбарларга тегишли чоралар кўриш амалиёти жорий этилади.

Ишончли комилки, маҳаллий Кенгашларга вазирилик ва идоралар ҳудудий тузилмалари раҳбарларининг ўз лавозимига лойиқлиги юзасидан таклиф киритиш ваколатининг берилиши ҳам уларнинг назорат функциясини кучайтириб, масъулиятини оширади. Энг муҳими, жорий йилда ҳокимларнинг асосий вазифаларига кирмайдиган ваколатларини қисқартириш бўйича иш олиб борилади.

Мухтарам Президентимиз “Сенатор сўровига бепасандлик — бу халқга бўлган бепасандлик” деб алоҳида таъкидлади. Сенатор — бу маҳаллий Кенгаш депутати эканлигини назарда тутадиган бўлсак, бугунги кунда ҳар бир ҳоким маҳаллий Кенгашга бўлган муносабатини тубдан ўзгарттириш зарур.

Сенаторлар билан биргаликда маҳаллий Кенгашлар фаолиятини тубдан ислох қилиш, аҳолининг мавжуд муаммолари қай даражада ҳал этилаётгани бўйича ижро органлари раҳбарлари ҳисоботини парламент ва маҳаллий Кенгашларда мунтазам эшитиб борилишига эришамиз.

Бундан ташқари, маҳаллий Кенгашлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида уларнинг доимий комиссиялари раисларига устама ҳақ тўлаш амалиёти ҳам жорий этилади.

Ушбу вазифаларни тизимли амалга ошириш мақсадида Сенат томонидан “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини тўғри ва самарали ташкил этиш масалалари бўйича услубий қўлланма” ишлаб чиқилди ва барча маҳаллий Кенгашларга етказиб берилди.

Мухтасар айтганда, бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳоким маҳаллий Кенгашга ўз фаолиятининг “қўзғу”-си сифатида қараши ва ҳамкорлик қилиши лозим.

Ижтимоий сиёсат аҳоли манфаатларига хизмат қилади

Мурожаатномада Ўзбекистонда илк бора камбағалликни камайтириш бўйича аниқ вазифалар ҳам белгилаб берилди.

Ушбу вазифалар Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотлар билан бирга Камбағалликни камайтириш дастурини ишлаб чиқиш, камбағаллик тушунчаси, уни аниқлаш мезонлари ва баҳолаш усулларини қамраб олган янги методологияни яратиш қабилад билан боғлиқ.

Камбағалликни бартараф қилиш учун аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсат амалга оширилиши зарур. Аҳолимизнинг ўз қизқишидан келиб чиқиб хунармандлик, қорвачилик, хизмат кўрсатиш соҳаларига ва бошқа шу каби аниқ йўналишларда фаолият юритишларини рағбатлантиришга эътибор қаратилади. Шу мақсадда аҳоли ва тадбиркорлар учун микромолия хизматларини кўрсатиш ва молиявий ресурсларга, давлат харидларига кенг йўл очиб бериш каби масалалар ҳам Сенат назоратининг объектиларига айланади.

Мамлакатимизда гендер сиёсатини амалиётга жорий этиш масаласи ҳам устувор вазифа сифатида белгиланганлиги аҳолимизнинг, бутун дунё ҳамжамиятининг эътиборини қаратмоқда. Шу ўринда 2020 йилда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, муҳтож опа-сингилларимизга манзилли ёрдам кўрсатиш асосий фаолият йўналишларимиздан бири бўлиб ҳисобланади.

Жорий йилда 5,5 минг нафар хотин-қизнинг кичик бизнес йўналишидаги лойиҳаларига 100 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилиши кутилмоқда. Шу билан бирга, 1 576 нафар хотин-қизга янги уй-жойларга эга бўлиши учун бюджет ҳисобидан бошлангич бадал тўлаб берилади. Бу каби кенг қўламли ислохотларда жойлардаги сенаторлар фаол қатнашиб, жамоатчиликка тадбирларнинг мазмун-моҳияти ва мақсадини тушунтиришда фаоллик кўрсатишади.

Халқро алоқалар ва парламентларо муносабатлар янги мазмун билан бойитилади

Миллий иқтисодиётимиз ривожини таъминлаш масалаларида парламент ролини янада мустаҳкамлаш, халқро парламентар тузилмалар билан ҳамкорликни кучайтириш юқори палатанинг асосий фаолият йўналишларидан биридир.

Бундан ташқари, парламентларо алоқалардан халқро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, туризмни ривожлантириш механизмларини жорий этиш, шунингдек, парламент назорати таъсирчанлигини кучайтириш Сенатнинг диққат марказида бўлади.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг хорижий мамлакатларга таширфлари доирасида савдо-иқтисодий ва инвестициявий масалаларга алоҳида эътибор қаратилади. Олий даражада эришилган келишувларнинг самарали ижросини, яъни тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўз ўрнида, муваффақиятли кириб боришини таъминлаш учун зарур қонунчилик асосларини яратиш ҳам пировард мақсадларимиздан бўлиб қолади. Бундан ташқари, парламентларо алоқаларимиз орқали хорижий инвестицияларни жалб этиш ва уларни ўзлаштириш юзасидан ҳамкорлик ишлари кучайтирилади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йилда МДҲга расмий равишда давомлашувчи доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш масаласи юқори палата зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди.

Аввало, МДҲ давлатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, эркин савдо зоналари тўлиқ ишлашини таъминлаш, ишлаб чиқариш кооперациясини қўқурлаштириш ва учинчи мамлакатлар бозорини ўзлаштириш, аграр соҳа, энергетика ҳамда телекоммуникациялар тармоғидаги ҳамкорликни кенгайтириш, илмий, инновацион, маданий-гуманитар ва таълим дастурларини амалга оширишда сенаторлар ҳам фаол иштирок этади.

Палатамиз томонидан МДҲ Парламентларо Ассамблеяси, Парламентларо Иттифок, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти каби тузилмалардаги фаолият доирасида модель қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ушбу тузилмаларга аъзо бўлган давлатлар парламентлари билан алоқаларни ўрнатил ва ривожлантиришга эътибор қаратилади.

Бунда миллий манфаатларимизга жавоб берадиган, очик ҳамда пухта ўйланган сиёсатни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратишимиз муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, юқори палатанинг халқро ташкилотлар билан ҳам алоқалари тобора ривожлантирилади. Мамлакатимизда БМТнинг 17 та барқарор ривож-

ланиш мақсадларига эришиш юзасидан қатъий парламент назорати ўрнатилди ва Ҳукумат аъзоларининг ушбу масала юзасидан тегишли ҳисоботларини эшитиш амалиёти жорий этилади.

Олий Мажлис Сенати Раиси айни вақтда Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси раиси ҳисобланади. Комиссиянинг асосий вазифаси фуқароларимиз учун муносиб меҳнат шартлоларини яратиш ва уларнинг барча соҳадаги ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган. Мазкур йўналишдаги ишларни ҳам юқори савида давом эттириб, тизимли халқро ҳамкорликни ривожлантириш устида мунтазам равишда тадбирлар олиб боришмоқда. Халқро меҳнат ташкилоти, Халқро миграция ташкилоти, ЕХҲТ, БМТ Тараққиёт дастури каби ҳамкорларимиз ва бошқа халқро тузилмалар билан самарали лойиҳалар ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш белгиланган.

Коррупцияга қарши кураш кучайтирилади

Президентимиз томонидан “Халоллик вакцинаси” деган иборанинг тилга олинishi беҳиз эмас. Бу ундов ҳар биримиз учун катта масъулият, аслида. Ўз ишига нисбатан виждонан ёндашишнинг ўзи “халоллик вакцинаси”нинг бошланиши, назаримда.

Жойларда коррупцияга қарши курашни янада кучайтиришда сенаторлар зиммасига ҳам алоҳида залварли вазифалар юкланди ва бу йилги иш режамизда ушбу масалага жиддий эътибор қаратилди.

Сенатнинг биринчи йиғилишида давлатимиз раҳбари мамлакатимизда жорий йилда учта соҳа, яъни соғлиқни сақлаш, таълим ва қурилиш соҳаларида коррупцияга йўл қўймаслик юзасидан олиб борилаётган чоралар қатъийлаштирилиши ҳусусида тўхталиб ўтган эди. Сенаторлар бу бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурининг ахборотини эшитишни ҳам мақсад қилдилар. Бундан ташқари, ҳудудларда коррупцияга қарши олиб борилаётган ишлар устидан назорат кучайтирилади. Шу мақсадда Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси томонидан йил давомида бир қатор кенг қўламли тадбирлар белгилаб олинди. Бу каби амалий саъй-ҳаракатларимиз аҳолининг коррупцияга қарши курашишдаги фаоллигини ошириш, мазкур иллатни йўқ қилиш устидан жамоатчилик назоратини кескин кучайтиришга қаратилади.

Халқ билан мулоқот ва жамоатчилик билан алоқалар янада мустаҳкамланади

Олий Мажлис Сенати — ҳудудий вакиллик палатаси сифатида, аввало, ҳудудларимизнинг манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга, халқнинг ичига кириб бориш, унинг муаммоларини ҳал қилишда ташаббускор бўлиши талаб этилмоқда. Шунинг учун ҳам фаолиятимизда халқ билан мулоқот ва жамоатчилик билан алоқаларни янада мустаҳкамлашга устувор аҳамият қаратилади.

Майкл ПОМПЕО:

«ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК СИЁСАТИ ШАРОФАТИ БИЛАН МАРКАЗИЙ ОСИЁДА БАРЧА ЖАБҲАДА ЎСИШГА ЭРИШИЛМОҚДА»

Бу галги учрашуларга асосланган ҳолда ишончим комилки, бизнинг алоқалар мустаҳкамланишда давом этади. Ўзбекистон ташқи ишлар вазири билан мамлакатдаги ислохотларни муҳокама қилдик. Улар янги хориж инвестицияларини жалб қилади ва натижада янги иш ўринлари яратилади. Шунингдек, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, кенг иқтисодий имкониятларни яратиш масалаларини ҳам кўриб чиқдик. Биз ҳусусий инвестициялар, АҚШ инвестиция сектори мамлакатларимизни боғлашини хоҳлаймиз.

Америка Қўшма Штатлари ҳукумати Ўзбекистонда ислохотларни чуқурлаштиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Абдулазиз КОМИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири:

— Биз жуда самарали музокаралар ўтказдик ва икки томонлама алоқаларнинг энг муҳим масалаларини муҳокама қилдик ҳамда Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари юқори суръатларда ривожланиётганини қайд этиб ўтдик. Бугун мамлакатларимиз ўртасида кенг қамровли кун тартиби шакллантирилган, икки томонлама мулоқот тизими ва мунтазамлилик ҳусусиятига эга.

Бу ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар, икки давлат раҳбарининг шахсан эътибори, шунингдек, америкалик дўстларимизнинг Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ҳаётининг барча соҳасида олиб борилаётган кенг қўламли демократик ислохотларнинг тан олинishi натижасидир.

Ўзбекистон Президентининг 2018 йил май ойида Вашингтон шахрига амалга оширган расмий ташрифи чоғида эришилган келишувлар ихросининг боришига алоҳида эътибор қаратилди. Стратегик шериклиكنинг янги даврини амалий ва аниқ мазмун-моҳият билан

Ўтган йил биз қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, таълим, инглиз тилини ўргатиш, кичик бизнес ва ишбилармонлиكنи қўллаб-қувватлашга қарийб 100 миллион доллар ажратдик. Яқин орада молия ва солиқ сектори учун техник кўмак тақдим этилади. Биз буларнинг барчасини амалга оширамиз, зеро, Америка — Ўзбекистондаги дўстларимиз учун ҳақиқий шерикдир.

Мен Афғонистонда тинчлик ва ярашиш жараёнини қўллаб-қувватлаётгани учун ўз ҳаммасбларимга миннатдорлик билдирдим. Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланиши бутун Жанубий, Марказий Осиё ва унинг ташқарисида тинчлик ҳамда гуллаб-яшнашини қўллаб-

қувватлашга хизмат қилади.

Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари масалалари бора-сидаги юксалиш ҳам мақтовга сазовор. Бу фуқаролик жамияти, мажбурий меҳнат муаммоларини ҳал этиш ва ОАВга чекловларни заифлаштириш учун майдонини кенгайтиради. Шу ва бошқа соҳаларда янада ўсишни сабрсизлик билан кутяпмиз. Биз Ўзбекистонда эътиқод эркинлиги соҳасидаги юксалишни қўллаб-қувватлаймиз.

Биз ҳаммасбларимиз билан “С5+1” форматидagi учрашувини сабрсизлик билан кутдик. Айниқса, Президент Трамп маъмурияти Марказий Осиё бўйича янги стратегияни чиқаришга тайёргарлик кўраётганини ҳисобга олганда бу жуда муҳим. Бу ўз танлови бўйича шериклари бил-

ўзгартириш ортга қайтмаслигини яна бир бор тасдиқлади.

Томонлар минтақавий ҳамкорлик муҳимлигини тан олиш бўйича бизнинг позициялар яқин эканлигини алоҳида қайд этдилар. Биз Марказий Осиёда барқарор тинчлик, осойишталик ва унинг гуллаб-яшнаши тарафдоримиз. “С5+1” дипломатик платформаси ушбу йўналишда ўзаро ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларни амалга оширишнинг кўп томонлама механизми ҳисобланади.

Биз, шунингдек, замонавий таҳдид ва хатарларни бартараф этиш, Афғонистонда тинчлик жараёнини илгари суриш масалаларини ҳам муҳокама қилдик.

Афғонистонга амалий кўмак бериш ва ушбу мамлакатни Марказий Осиёнинг савдо-иқтисодий ҳамда транспорт коммуникацияларига қўшиш бўйича ҳамкорликдаги ишларни фаоллаштиришга келишиб олдик.

Мен мамлакатларимиз ўртасидаги бугунги ҳамкорлик ўз тараққиёти чўққисига етди, деб ишонч билан айти олам. Бизнинг муносабатлар барқарор ва очик ривожланипти.

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕКИСТОН СПОРТИ ТАРИХИДА МУТЛАҚО ЯНГИ ВА ЁРҚИН САҲИФА



2016 йилги Олимпия ўйинлари бронза медали соҳиби, Осиё чемпиони, хаваскор боксчилар ўртасида жаҳон чемпионати совриндори Муроджон Аҳмадалиевнинг ушбу ғалабаси тарихий эканлиги билан жаҳон миқёсида шов-шувларга сабаб бўлди.

Жорий йилнинг 3 февраль кун Ислон Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида профессионал бокс бўйича икки қарра жаҳон чемпиони Муроджон Аҳмадалиев тантанали кутиб олинди. Ўзбекистон бокс федерацияси, Миллий олимпия қўмитаси, Миллий гвардия вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда кенг жамоатчилик қатнашган маросим байрам тусини олди. Юртимиз байроғи, Муроджоннинг чемпионлик жангидagi ғалабаси акс этган баннерларни кўтарган ёшларнинг юз-кўзида ҳамюртларининг эришган ғалабани гурурланиш, ифтихор туйғуси яққол кўриниб турарди...

Пойтахтимиздаги Олимпия шон-шухрати музейида Муроджон Аҳмадалиевни тақдирлаш маросими ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов, Ўзбекистон Республикаси

Президентининг маслаҳатчиси А. Абдувахитов, Бош вазирининг биринчи ўринбосари, бокс федерацияси раиси О. Рамаатов, тегишли вазирилик ва идоралар, спорт федерациялари раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов сўзга чиқиб, Муроджоннинг тарихий ғалаба билан табриклаб, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида хар томонлама баркамол авлодни вояга етказишнинг муҳим воситаси сифатида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, бунинг самарасида Ўзбекистонда қўллаб спорт турлари каби хаваскор ва профессионал бокс ҳам ёшлар ўртасида жадал ривожланиётгани, Ўзбекистон, том маънода, бокс мамлакатига айланиб бораётганини, спортчиларимиз эришяётган бундай улкан ғалабалар мамлакатимизнинг жаҳон ареналаридаги нуфузини ошириб, ёшларда ватанпарварлик, юрт тақдир ва келажикга дахлдорлик туйғуларини мустаҳкамлаётганини таъкидлади.

Бугунги кунда ўзбек бокс мактаби тарбияланувчилари

спорт оламининг барча нуфузли мусобақалари — Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида юқори натижаларга эришяптир. Жумладан, 2019 йили Россияда ўтказилган жаҳон чемпионатида терма жамоамиз 3 та олтин, биттадан кумуш ва бронза медалларини қўлга киритди ҳамда умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Хаваскор боксда эриша олмаган натижага профессионал рингда эришиб, икки йўналиш бўйича жаҳон чемпиони бўлганимдан ҳиоятда хурсандман, — дейди Муроджон Аҳмадалиев. — Океанортида жаҳон чемпионлиги учун рингга қатриллаганимда ота-онани, қўнларим, қолаверса, бутун халқимиз дуолари, далдасини ич-ичимдан ҳис этдим. Қолаверса, бу натижа, аввало, Президентимизнинг спортга, ҳусусан, боксга қаратаётган эътибори, яратилаётган шарт-шароитларнинг махсули, деб биламан. Камтарона хизматларим эвазига менга “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони берилгани учун Юртбошимизга катта раҳмат. Ана шу рағбат ва ишонгга муносиб бўлишга интиламан. Бунинг учун ўз вазинида яна икки камарни қўлга киритиб, мутлақ

чемпион бўлишни мақсад қилдим.

Маросимда Президентимизнинг профессионал бокс бўйича жаҳон чемпиони Муроджон Аҳмадалиевга йўлаган табриғи ўқиб эшитирилди. Давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармониға мувофиқ, Муроджон Аҳмадалиевга “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони топирилиб, Президент совғаси — Тошкент шаҳридан уч хонали хонадон ҳамда “Chevrolet Tracker” автомобили тўхфа қилинди.

— Мен дунёдаги энг бахтиёр онаман, — дейди боксчининг онаси Ойша Фаёзова. — Она учун фарзанди эришган ютуқларни кўришдан ортиқроқ бахт бўлмаса керак. Ўғлим бугун халқимизнинг, Президентимизнинг ишончини оқлаб, чемпион бўлди. Бундан бошим кўкка етиб, қонувчим ва ҳаяжонимни сўзда ифодалаб бера олоймаман. Муроджоннинг бу ютуғини юксак тақдирлаган Юртбошимиздан жуда миннатдорман.

Тадбир сўнида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирохилдин Саййид томонидан ўқилган шеър йиғилганларда алоҳида таассурот қолдирди.

Шаҳзод ҒАФҒОРОВ
(«Халқ сўзи»).

БУРГУТ ВА ЖУРНАЛИСТ ЎРТАСИДА ҚАНДАЙ УМУМИЙЛИК БОР?

Бу саволга Миллий масс-медияни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди лойиҳалари тақдимотида жавоб берилди.

Ташкилотчиларнинг таъкидлашича, янги фондининг мақсади — оммавий ахборот воситалари учун медиа-бозорда тенг шароитлар яратиш, уларни ривожлантириш, шунингдек, журналистлар ва блогерларнинг ҳуқуқларини амалга оширишдир.

Тақдимот

Фонд миллий масс-медия учун ўзини ўзи бошқариш механизмларини яратишда иштирок этади, оммавий ахборот воситаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ёрдам беради, журналистлар ва блогерлар фаолиятини қўллаб-қувватлайди, уларга ҳуқуқий, ташкилий, техник ва бошқа ёрдамлар кўрсатади.

Авалларок, муассислар йиғилишида Комил Алламжонов жамоат фонди Вазирлик кенгаши раиси, Саида Мирзиёева эа унинг ўринбосари этиб иш бошлаган эди.

— Масс-медия соҳасидаги муаммоларни яхши билидиган профессионал журналистлар ва блогерларни бирлаштириш

вакти келди, — деди С. Мирзиёева тақдимотда. — Жамагарма нафақат медиа ҳамжамияти, балки умуман, фуқаролик жамияти учун муҳим ташаббуслар ва лойиҳаларни амалга ошириш учун яхши платформадир.

Бургут тасвири акс этган рамз ҳам фанонд олдида турган вазифаларга ҳамоҳанг. Ташкилотчиларнинг изоҳлашича, бу қучли, мағрур, эркинликни севувчи қуш ўз хислатлари билан масс-медия соҳасининг тимсоли бўла олади.

«Халқ сўзи».

Долзарб мавзу



ЎХУД ЭКИН МАЙДОНЛАРИНИ ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИШ ҲОЛАТЛАРИ “БОЛАЛАБ” КЕТАЁТГАНИ ҲУСУСИДА

Ер — ҳаёт манбаи, бошқача айтиладиган бўлсак, халқимизни боқадиган, барчамизни кийинтирадиган бебаҳо бойлик. Шунинг учун ҳам халқимизда “Ерни боксанг ер сени боқад” деган нақл неча асрларки, ўз аҳамиятини, долзарблигини йўқотмай келмоқда.

Сўнгги йилларда ердан самарали ва оқилона фойдаланишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Сўнгги уч йилда мазкур соҳани ислоҳ қилишга оид ўттиздан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Биргина яроқсиз ерларни тиклаш борасида қўрилган чора-тадбирлар натижасида ўтган йилда 48 минг гектар майдон қайта муомаллага киритилди.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун бюджетдан ажратилган маблағлар ҳажми:

2017 йилда — **463 млрд. сўм**
2018 йилда — **559 млрд. сўм**
2019 йилда — **673 млрд. сўм**

Лекин афсуски, юқорида қайд этилган оддий ҳақиқатни ҳамда ислохотларни тушуниб етмаётган ёҳуд тушунишни ва унга амал қилишни истамаётганлар ҳамон ураб турибди. Ерни ўз манфаати йўлида ноқонуний эгаллаб олиш, сотиш, талон-торож қилиш каби қонунбузилиш ҳолатлари, таассуфки, “болалаб” кетаётгани, ҳар қаричи қадри бўлган экин майдонларидан фойдаланишда қонун талабларининг бажарилмаслиги, айрим раҳбар-ҳодимларнинг белгиланган тартиб-қоидаларга беписанд муносабати жиддий ташвиш уйғотяпти.

Хавотирлиси, ер майдонларидан оқилона ҳамда самарали фойдаланишга масъул идораларда ер билан боғлиқ турли сунистеъмолчилик ва коррупция ҳолатлари кенг авж олаётганини қандай изоҳлаш мумкин?!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида ташкил этилган Ер майдонларидан ноқонуний фойдаланиш ва эгаллаб олишнинг олдини олиш бўйича Республика комиссиясининг кенгайтирилган йиғилишида ана шундай масалалар ўртага ташланиб, қишлоқ ҳўжалиги, айниқса, сугориладиган экин ерларининг ажратилиши ва фойдаланилиши аҳволи ҳамда соҳада қонунийлигини таъминлашга доир масалалар муҳокама қилинди.

Видеоселектор шаклида ўтказилган мажлисда кун тартибига киритилган масалалар ҳамда қайд этилган қонунбузилиш ҳолатлари юзаси-

дан қурилиш вазири, “Давергеодезкадастр” қўмитаси раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимларидан изоҳ сўралди.

Танқидий руҳда ўтказилган йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъул ходимлари, комиссия аъзолари, Олий Махлиси Сенати ва Қонунийлик палатаси вакиллари, Вазирилар Маҳкамаси, Олий суд, Бош прокуратура, Адлия ва Ички ишлар вазириликлари, Давлат солиқ қўмитаси, “Давергеодезкадастр” қўмитаси, шунингдек, соҳага алоқадор бошқа вазирилик ва идоралар раҳбарлари, масъул ходимлар қатнашди.

Комиссия йиғилишида Бош прокурор Н. Йўлдошев маъруза қилиб, мамлакатимиз тараққиёти ва келажиги, халқимизнинг тўқис ва фаровон ҳаёти ердан оқилона фойдаланишга чамбарчас боғлиқлиги, бу масала миллий ҳавфсизлик ва барқарорликка тўғридан-тўғри дахлдор эканини таъкидлади.

Қишлоқ ҳўжалиги экин ерларини ажратилиш ва ундан фойдаланишда қу-затилаётган камчиликлар, тизимдаги коррупция ҳолатлари, баъзи муассадилар содир этаётган қинғир ишлар соҳадаги ислохотларга соя солаётгани, айрим раҳбарлар бу иллатдан қутулолмаётганини танқид қилди.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда сугориладиган ер майдонлари Сирдарё, Самарқанд, Сурхондарё, Наманган, Жиззаҳ, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида қамайган, Андижон, Тошкент, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ҳамда Фарғона вилоятларида эса ернинг ҳолати ёмонлашган.

Ерга талаб кескин ортиб бораётган бир

пайтда, захирага олинган ҳар қарич майдонни унинг ҳақиқий эгасига топшириш жуда муҳим. Аммо захирага олинган ер майдонларини ажратишнинг очик ҳамда шаффоф тизими ҳанузгача йўлга қўйилмаган. Бу эса турли сунистеъмолчиликлар, экин майдонларининг эгасиз қилиб, ҳатто йўқотилишига олиб келмоқда.

Сувиб бoғ ва дарахтзорларга талабдорлар етарли бўлса-да, Андижон, Хоразм, Наманган, Сурхондарё, Жиззаҳ вилоятларида бoғ ва дарахтзорлар захирада қолаётгани тушунарсиз ҳoлат, албатта. Ерларни эгалик қилиш, доимий ва вақтинчалик фойдаланиш учун ажратишда ҳамда ижарага беришда жиддий қонунбузилиш ҳoлатларига йўл қўйилаётганини аниқ рақам ва мисоллар орқали айтиб ўтилади.

Тахлилларга қўра, сўнгги икки йилда 56 минг гектар ер майдони ҳокимликлар томонидан ноқонуний ажратилган. Ўтган йилда республика бўйича 83 та ҳoлатда 112 гектар сугориладиган қишлоқ ҳўжалиги ер майдони қишлоқ ҳўжалигида фойдаланилмайдиган ер сифатида бериб юборилган.

Ушбу давр майдониде ер сотиш, талон-торож қилиш ҳoлатлари юзасидан 473 та жиноят иши қўзғатилиб, 543 нафар шахс, шунингдек, ер қонунчилигини бузиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлари учун 295 нафар мансабдор шахс жиноий жавобгарликка тортилганлигини, уларнинг қирқ фоизини ер кадастри ҳoдимлари ташкил этишини қандай тушуниш мумкин? Ҳокимликларнинг 23 нафар, архитектура ва қурилиш идораларининг 14 нафар ҳoдими ер билан боғлиқ жиноятлари учун қонун олдиде жавоб берганини-чи?

Йиғилишда экин ерларини асраш, ҳoлатини яхшилаб бoришга ер назоратига масъул идоралар томонидан етарли эътибор бери-

ТАҲЛИЛЛАРГА ТАЯНГАН САЛБИЙ ҲОЛАТЛАР (сўнгги икки йилда)

- Ҳокимликларнинг 23 нафар, архитектура ва қурилиш идораларининг 14 нафар ҳoдими ер билан боғлиқ жиноятлари учун, шунингдек, 76 нафар фермер ерларини ноқонуний сотганлиги сабoбли жиноий жавобгарликка тортилган.
- 56 минг гектар ер майдони ҳокимликлар томонидан ноқонуний ажратилган.
- Ер сотиш, талон-торож қилиш билан боғлиқ ҳoлатлар юзасидан 473 та жиноят иши қўзғатилиб, 543 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилган. Ушбу жиноятларнинг 71 тасини порахўрлик, 354 тасини фирибгарлик, 37 тасини сохтакорлик каби қилмишлар ташкил етeди.
- Бу даврда 295 нафар мансабдор шахс ер қонунчилигини бузиш билан боғлиқ жиноятларни содир қилганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган, уларнинг 119 нафoри ёки 40 фоизи ер кадастри ҳoдимидир.

ЭНДИ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРИ БИЛАН ТЕГИШЛИ СОҲАЛАР РИВОЖИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШИШИМИЗ ЛОЗИМ

Ўзбекистонда сўнгги уч йилда илм-фанга бўлган эътибор ва ғамхўрлик мисли кўрилмаган даражада ўзгарди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Махлисга Мурожаатномасида 2020 йилни мамлакатимизда “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилиб, бу борадаги устувор мақсадларни белгиллаб берди.

Акс садо

Давлатимиз раҳбарининг “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” шиори остида шиддат ва шижоат билан барпо қилинаётган янги Ўзбекистон учун бу мақсад ва ниятларнинг салмони нечоғли улкан аҳамиятга моликиятини барчамиз ҳис қилиб турибмиз, албатта, бу мақсадларга жадал сурьатлар билан эришмоқдай улғувор ишдан ҳеч ким четда қолмайди.

Юртбошимиз ўтган ҳафта сўнгиде илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари раҳбарлари, ёш тадқиқотчилар ҳамда ишлаб чиқариш соҳалари вакиллари билан бениҳоя мазмундор учрашув ўтказди. Жорий йилда илм-фан соҳасидаги энг муҳим ва бирламчи вазифалар муҳока-масига бағишланган бу мулоқотда мазкур вазифалар ижроси сифатида қўлга киритиладиган аниқ натижаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Жуда катта мамнуният ва миннатдорчилик билан таъкидла-моқ жоизки, кейинги йилларда Фанлар академияси ва унинг институтлари, Президентимиз табъири билан айтганда, янги-дан ҳаёتبаш этилди. Яқин ўтми-шимизда Фанлар академияси-даги илмий муассасалар сони 20 тага тушиб қолган эди, бугун уларнинг сони 35 тага етди. Бу муассасаларда турли фан соҳалари бўйича теран тадқиқотлар олиб бoрилмоқда, ёш тадқиқотчилар ғайрат-шижоат билан изланмоқдалар, хорижлик олимлар билан мустаҳкам илмий ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Ўзбекистон фанининг ютуқлари, ёш олимларнинг каш-фиётлари хориқ илмий доира-ларида эътироф этилмоқда.

Буларнинг барчаси илм-фани-нинг нуфузи кескин ортганлиги, олимларга бўлган давлат ва жамият эътиборининг тубдан ўзгарганлигининг амалий нати-жаларидир. Ўтган уч йилда илм-фан соҳасини молиялаштириш 4 қарра қўлайди. Илмий ҳoдими-ларни моддий рағбатлантириш мақсадида уларнинг иш ҳақла-ри 3 баробар оширилди, илмий

даражалар учун алоҳида устама ҳақ тайин этилди. Жорий йил-дан Фанлар академияси тизи-мидаги ташкилотлар грант лoйиҳалари доирасида эмас, балки тўғридан-тўғри Давлат бюджетидан молиялаштиришга ўтказилдики, бу илмий муассасаларга ёшларни кенгроқ жалб этиш имкониятини пайдо қилди. Албатта, бу каби ўзгаришлар мамлакатимиз илм аҳлининг бошини кўкка етказди.

Шубҳасизки, мамлакатимиз-да илм-фан соҳасидаги бу каби аниқ ва қўламли ўзгаришлар олимларимиз зиммасига фи-лодийлик билан ишлаш, бутун кун-ғайратини анғидан-янги каш-фиётлар қилишга сафарбар этиш, муносиб ўринбосарларни тарбиялаш сингари масъулият-ли вазифаларни юклайди. Президентимиз ҳар бир илм аҳли олдиға қўйидаги ҳақоний талабларни ҳам қўйди: “Энди олимларимиз ҳам масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳoлда, тадқи-қотларнинг амалий натижалари билан тегишли соҳалар ривожига муносиб ҳисса қўйишлари ло-зим. Нуфузли академиклардан ҳам, илм-фан соҳасига илк қадам қўётган ёш олимлардан ҳам кат-та шижоат ва амалий натижадор-лик қилиш талаб этилади”.

Гарчи мулоқотда хозирги босқичдаги миллий манфаатла-римиз ва тараққиётимиз йўна-лишларидан келиб чиққан ҳoлда, бу йил математика, кимё, био-логия, геология фан ва соҳала-рини ривожлантириш масалала-ри танлаб олинган бўлса-да, давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган фикрлар ва кўрсат-малар бошқа барча фан соҳала-рини ривожлантириш учун ҳам дастуриллаб бўлиши, шубҳа-сиз. Президентимиз томонидан қўйилган мазкур талаблар мам-лакатимиздаги барча олимлар-га ҳам дахлдoрдир.

Низомилдин МАҲМУДОВ,
ЎзРФА Ўзбек тили,
адабиёти ва фольклори
институтини директори,
филология фанлари
доктори, профессор.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” жамоат фонди уюшма аъзоси, таниқли ёзувчи

Ғози РАҲМОНнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Раҳим ШЕРКУЛОВ
(«Халқ сўзи»).



Китоб жаҳон тарихида унутилмас из қолдирган сиёсий арбоб, бир пайтлар қашшоқ, қолоқ, қарам бўлган Сингапурдек диёрни дунёнинг етакчи давлатига айлантира олган чинакам лидер — Ли Куан Ю ҳаёти ва фаолиятига бағишланган. Асосийси, унда қандай қилиб “ноль”дан дунёнинг етакчи давлатлари қаторидан жой олиш мумкин, деган саволга аниқ жавоблар бор.

Ли Куан Ю ҳақида жаҳон, хусусан, ўзбек матбуотида олимлар, мутахассислар, турли соҳа вакиллари томонидан кўплаб чиқишлар қилинган, қилинмоқда. Келинг, мен ҳам бу ҳақда ўз мулоҳазаларимни билдирсам.

Уч ёндашув замиридаги ҳақиқат

Ли Куан Юни айрим экспертлар “У фақат ўз мамлакатини ўзгартирди”, деб айтади, баъзилари “Осиёни”, учинчи одамлар эса “Бутун дунёни ўзгартирган”, дейди. Аслида ҳар учала ёндашув ҳам қайсибир маънода ҳақиқатдир. Бинобарин, у яратган тенденция ноёб ҳодиса, феномен ҳисобланиб, “Сингапур мўъжизаси” деб аталади ва башариёт ривожига ўзига хос таъсир ўтказган.

Нега мўъжиза? Чунки Сингапур тарихан қисқа давр ичида фаровонлик бўйича дунёда учинчи ўринга кўтарилиб, ишсизлик даражасини икки фоизгача қисқартирган, «IEA» халқаро имтиҳонлар натижаси бўйича энг яхши мактаб таълимига эга, қарийб тўқсон фоиз одамлари ўз хусусий уйларида истиқомат қилади. Аҳоли жон бошига нисбатан тadbиркорларнинг сони жиҳатидан дунёда АҚШдан кейин иккинчи мамлакатдир. Буларнинг барчаси Ли Куан Ю томонидан ўз вақтида амалга оширилган прагматик ислохотларнинг самаралари ва мантиқий давомидир.

«Йўл харитаси» чизиб олди

Албатта, булар ўз-ўзидан рўйбга чиқмаган, балки ўта мураккаб ва сермашаққат жараёнларнинг амалий инъикосидир. Ли Куан Ю ана шу қийин, аммо шарафли вазифани амалга оширишда ўзи учун қандай “Йўл харитаси” чизиб олган эди?

Аввало, у ўз фаолияти давомида Япония, Буюк Британия, АҚШ, Германия, Швейцария, Скандинавия давлатлари тажрибалари, ўсиш тенденцияларини чуқур ўрганиб, таҳлил қилиб борди, керак бўлса, фойдали жиҳатларини ўз макссадларига мослаштирди. Бу цивилизациялар тарихида аслида табиий ҳолатдир.

Ўз ақлу заковати ва жаҳон амалиётини уйғунлаштирган ҳолда рағбатларни тўғри танлашни ташкилот, корпорация, мамлакатнинг узоқ мuddатли ютуқларини белгилувчи асосий омил деб билди. Меритократия тамойилига амал қилиб, ижтимоий келиб чиқиши ва молиявий аҳолидан қатъи назар, энг қобилиятли кишиларни раҳбарлик лавозимларига тайинлаб, уларнинг макomini кўтариб борди.

Хотлар билан улар юз берганидан кейин курашишни эмас, балки уларнинг олдини олиш, яъни профилактика билан қатъий шугулланди. Барча соҳада коррупцияга қарши аёвсиз курашди. Жумладан, ҳокимият ваколатларидан шахсий фойда қўриш учун фойдаланиш мумкин бўлган фаолият турларига бошиданок алоҳида эътибор қаратиб, бундай ҳолатлар рўй бермаслиги учун назоратни кучайтирди. Коррупция билан боғлиқ жиддий ҳолатлар газета саҳифаларида ёритиб борилди. Натижада коррупцияга нисбатан ижтимоий фикр ҳам ўзгариб, илгаридигидан фарқи равишда у одамларнинг нафратига дуч келди.

Коррупция ва сайловлар

Ли Куан Ю ушбу иллатнинг сайловлар билан боғлиқ жиҳати ҳақида ҳам очик-ойдин га-

пирган: “Ҳалол ҳукуматни шакллантиришга хизмат қилувчи омиллардан бири қуйидагича: номзодлар сайлов жараёнини ўтказиш учун катта маблағга муҳтож бўлмасликлари керак, акс ҳолда коррупция механизми ишга тушади. Осиёдаги кўпгина мамлакатларда сайловнинг “нархи ўта баланд” бўлиши жиддий муаммо ҳисобланади. Сайланиш учун кўп маблағ сарфлаган голиблар бу харажатларни қандайдир йўл билан қоплашга, шунингдек, навбатдаги сайловга пул йиғишга мажбур бўладилар. Кейин бу тизим абадий двигатель сифатида ишлай бошлайди”.

У фақат иродаси кучли инсонгина ҳақиқатини, айниқса, бу унинг ҳаётий ақидаларига тегишли бўлса, гапира олишига ишонган.

«Ҳамма нарсани биламан» деб ўзингизни алдаманг

Сингапур асосчиси шундай деган: “Ҳаётнинг барча соҳаларида ютуққа эришиш нимага асосланади? — “Ҳамма нарсани биламан” деб ўзингизни алдашга эмас, балки ҳақиқий воқеликни тушунишга. Кўпгина қўлингиздан келадиган ишларни билгандан кўра, қўлингиздан келмайдиганларни билганингиз яхшироқ”.

Шундан келиб чиқиб, Ли Куан Ю ўзи ва атрофдагиларнинг камчиликларидан бохабар бўлган ҳамда ҳеч қачон улардан қўлидан келмайдиган ишларни бажаришларини талаб қилмаган.

Мамлакатнинг энг бебаҳо бойлиги

Тинимсиз ўқиш, ўрганиш у учун муваффақиятнинг ягона формуласи бўлиб, бошқаларни ҳам шунга риоя этишга ундаган. Илм-фан ва таълимни ривожлантиришни давлат сиёсатининг принципиал устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олган. Буни унинг қуйидаги сўзлари ҳам тасдиқлайди:

“Аниқ нарсани тушунишим учун менга бир қанча вақт зарур бўлди: истеъдодли инсонлар мамлакатнинг энг бебаҳо бойлигидир”.


“Ҳукуматдаги узоқ йиллик фаолиятдан сўнг англаб етдим: қанча кўп иқтидорли инсонлар вазири, маъмур ва мутахассис сифатида ишласа, ҳукумат сиёсати шунча самарали, натижалари ҳам шу қадар яхши бўлади”.

“Истеъдодли хорижликлар бўлмаганида, Сингапур бу қадар муваффақият қозонган давлатга айланмасди”.

“Мана шундай кичик ривожланаётган давлатда иқтидорли инсонларнинг етарли даражада бўлгани Сингапур учун аини муддаога айланди”.

“Хорижликлар билан мулоқотдан сингапурликлар кўп нарсани ўрганишди. Биз энг лаёқатли ўқитувчиларимизни ривожланган давлатларга аввалига ушбу мамлакатлар томонидан ажратилган, кейинчалик Сингапур ҳукумати томонидан ажратилган стипендиялар ҳисобига ўқишга юбордик”.

“Ушанда мен ўйлаганимни айтдим: хитой мактабининг битирувчилари олий маълумотни бошқа тилдаги университетларда олгани маъқул. Чунки уларнинг келажаги энг илгор китоблар ёзиладиган тилни қанчалик билишларига боғлиқ, бундай китоблар эса инглиз тилида ёзи-



лади. Инглиз тили бизга миллатлараро келишмовчиликдан қутулишга ёрдам берди ва биз учун рақобатга чидамли афзаллик яратди. Негаки, инглиз тили бизнесда, дипломатияда, фан ва техникада халқаро тилга айланди. Инглиз тилисиз Сингапурга трансмилий корпорацияларини ва дунёдаги 200 дан ортиқ банкларнинг келиши мумкин бўлмасди. Инглиз тилисиз бизнинг одамларимиз компьютерда ишлаш кўникмаларини, интернет ва кўплаб бошқа замонавий технологияларни бунчалик тез эгаллаб ололмасдилар”.

“Саноатлашган жамият ўз ўрнини билимга асосланган жамиятга бўшашиб беради. Дунёда билимли инсонлар ва билими йўқ инсонлар ўртасида янги чиқиқ тортилади. Биз билим олишимиз ва билимга асосланган дунёнинг бир қисмига айланишимиз керак”.

“Олий мақом (элита) университетларга эга бўлиш муҳим ва зарур, бироқ шу билан биргалликда, бошлангич ва ўрта мактабларнинг ча-

“Саноатлашган жамият ўз ўрнини билимга асосланган жамиятга бўшашиб беради. Дунёда билимли инсонлар ва билими йўқ инсонлар ўртасида янги чиқиқ тортилади. Биз билим олишимиз ва билимга асосланган дунёнинг бир қисмига айланишимиз керак.”

ласавод битирувчилари армиясини бир қолипга солиб қўйиш хавфи, йўл қўйиб бўлмас хато-дир”.

“Тил билмасдан туриб жамиятга уйғунлашиб бўлмайди”.

“Умр бўйи ўқувчи бўлинг, энг яхши гоёларни ўзлаштиринг”.

Ўз навбатида, у тозалик, экология ва ободонлаштириш масаласига жиддий аҳамият қаратган. Миллионлаб дарактлар, пальмалар ва буталар экирган. Одамларнинг кўкаламзорлаштиришга нисбатан эътиборсизлигини йўқотиш мақсадида мактабларда болалар ўсимликларга гамхўрлик қилиш ва боғларни парваришлашга ўргатилди, улар эса ўз тажрибасини ота-оналарига етказишди.

Мўъжизакор инсонлар

Умуман олганда, Ли Куан Ю буларнинг барчасини бирлаштирган ҳолда Сингапурнинг ютугини уч тамойил асосида амалга оширди: уни яшаш ва ишлаш учун энг хавфсиз ҳудудга айлантирди; фуқароларнинг тўлиқ тенг ҳуқуқлилиги таъминланди; сингапурликларнинг барча авлоди муваффақиятли бўлиши учун шароит яратилди.

Ундан бунга қандай эришгани ҳақида сўрашганида: “Мен фақат Ватаним олдидаги бурчимни бажардим, ҳолос. Давлат бюджетини таълимга йўналтирдим. Муаллимни энг қўйи табақадан Сингапурдаги энг мартабали даражага кўтардим. Давлатдаги мўъжизаларни қилган инсонлар муаллимлардир. Улар илм, ахлоқ, меҳнат ва ҳақиқатни севадиган камтарин авлодини етиштириб чиқардилар. Бунинг учун улардан миннатдоримиз!”

Кўшимча қилиш лозим, бу йўлда Ли Куан Ю унга хамиша маънавий устози Конфуций ўғитлари дастуриламал бўлганини таъкидлаб келган эди.

Ричард Никсондан Си Цзиньпингача

Шуларга яраша дунёнинг энг таниқли сиёсатчилари, геосиёсатчилари, бизнесмену инвесторлари, халқаро журналистлари уни тан олишган, у билан учрашиб, маслаҳатини олишни ўзлари учун шараф, деб билганлар. Уларнинг орасида Ричард Никсон, Жорж Г. Буш, Билл Клинтон, Барак Обама каби АҚШнинг собиқ президентлари, Франциянинг собиқ давлат раҳбари Жак Ширак, Буюк Британиянинг собиқ бош вазирлари Маргарет Тетчер, Тони Блэр, Германиянинг собиқ канцлери Гельмут Шмидт, БМТнинг собиқ Бош котиби Кофи Аннан, машхур геосиёсатчи экспертлар ва давлат арбоблари Генри Киссинжер, Збигнев Бжезинский, миллиардер Руперт Мердок ва бошқалар бор. “Цивилизациялар тўқнашуви” бестселлер асари муаллифи Сэмюэл Хантингтон “Ли Куан Ю Сингапурни дунёда ўхшаши йўқ мўъжизага айлантирди. У жаҳондаги энг кам коррупциялашган сиёсий тизимни қурди” деб ёзган бўлса, ХХР Раиси Си Цзиньпин эса “Ли биз ҳурмат қиладиган оқсоқолимиздир” дея таъкидлаган.

«...Ўзимизни аямасдан олдинга интилсак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради»

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳам жаҳон тараққиётида синовдан ўтган тажрибани чуқур ўрганиш янги босқичга кўтарилди, унинг ижобий жиҳатларини миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда ҳаётга татбиқ этиш жадаллашди. Тошкент ва Наманганда “City”лар

қуриляпти. Узоқни ўйлаб амалга оширилаётган бундай бунёдкорликлар, албатта, бошқа ҳудудларда ҳам кенг қулоқ ёзади. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистонни Марказий Осиёнинг молиявий-иқтисодий хабиға айлантиришга хизмат қилиши, шубҳасиз. IT-парклар, эркин иқтисодий-саноат зоналари сони кўпаймоқда, кластерлар, агрогистика тизимлари, инновацион инфратузилмалари ривожлантиришга катта миқдорда инвестициялар йўналтириляпти. Буларнинг барчаси қувонarli, албатта.

Аммо янада қувонarli, мустақил мамлакатимиз тарихида таълим, илм-фан, жамиятда ўқитувчилар мақомини кўтаришга бўлган эътибор тубдан ўзгарди, олий таълимда коррупцияни йўқ қилишга қарши аёвсиз кураш бошланди. Зотан, “ҳалоллик ваққинаси” таълимдан бошланади. Хусусан, Мактабгача таълим вазирилик ташкил этилди. Утган йилда Президент ва ижод мактаблари, нуфузли хорижий университетлар филиаллари очилиб, улар ўз фаолиятини бошлади, етакчи хорижий университетлар билан ҳамкорликда қўшма таълим дастури бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, олий таълим муассасаларида 2016 йилдаги нисбатан икки баробар кўп талаба ўқишга қабул қилинди.

Президентимиз тақлифи билан жорий йил юртимизда “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”, деб эълон қилиниши ана шу стратегиянинг мантиқий давомидир. Зеро, бу мамлакатимизда илм-фанни янада раванк топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардор иқтисодиётни шакллантириш борасида бошланган ишларни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш имконини беради.

Таъкидланганидек: «... биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз.

Бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислохотчи бўлиб майдонга чиқадиған, стратегик фикр юритадиған, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. Шунинг учун ҳам боғчадан бошлаб олий ўқув юртигача — таълимнинг барча бўғинларини ислох қилишни бошладик».

Халқимиз, жумладан, муаллимлар, олимлар, ёшлар ва уларнинг ота-оналари йил номида ўз ифодасини толган энг эзгу мақсаду ниятларни ёруғ юз, кўтаринки кайфият билан қутиб олишди. Бинобарин, бу йил таълим, илм-фанда том маънодаги янгиликлар йили бўлади.

Мурожаатномада қайд этилганидек, 2020 йилда боғча ёшидаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 60 фоизга етказилади. Бунинг учун бюджетдан қарийб 1,8 триллион сўм маблағ ажратилади. Тарихда илк бора 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш тизими жорий қилинади. Янги мактаблар қурилади, касб-хунар мактаблари, коллежлар, техникумлар ташкил этилади. Педагогларга юқори маош тўлаш тизими йўлга қўйилади.

Ўзим олий таълим вакили бўлганим учун, мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини 2020 йилда қамда 25 фоиз ва келгусида 50 — 60 фоизга етказиш, айниқса, давлат грантларини 2 баробар кўпайтириш, қизлар учун алоҳида грантлар ажратилиши ҳақидаги режаларни эшитиб жуда хурсанд бўлдим.

Олий таълим муассасаларига босқичма-босқич академик ва молиявий мустақиллик берилиши, нуфузли хорижий олий таълим даргоҳлари билан ҳамкорликда трансформация жараёнлари бошланиши, “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан олимлар, профессор-ўқитувчилар чет элга илмий изланиш ва малака ошириш учун юборилиши ҳам халқаро стандартлар, ҳам миллий манфаатларга тўла мос келади.

Ўйлашимизча, жорий йилда Ўзбекистон олис ва яқиндаги барча давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини, узоқ мuddатли ва кўп қиррали шериклики янада кучайтириши борасида принципиал ёндашув таълим жаҳасига ҳам тегишлидир. 2020 йилда мамлакатимизнинг кўплаб давлатлар қатори, Буюк Британия ва Сингапур билан илм-фан, таълим алмашинувлари янада жадаллашшига ишончим комил. Зеро, ҳар икки мамлакат ҳам Ўзбекистоннинг энг яқин ҳамкорларидан ҳисобланади.

Энг муҳими, юқоридagi стратегик мақсадлар, саъй-ҳаракатлар фақат шу йил учун тааллуқли эмас, балки яқин йигирма-ўттиз йиллик истиқболни ўз ичига олади. Давлат раҳбари қайд этганидек, **“Халқимиз шуни яхши билиши керак: олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди. Барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўргансак, ишимизни мукамал ва унумли бажарсак, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интилсак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради”.**

Турсун ШОДИЕВ,
Тошкент халқаро Вестминстер университети ҳузуридаги ЮНЕСКОнинг Билимлар иқтисодиёти кафедраси mudiri, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 64 068 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибона 71-233-10-28; Ўзлонлар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўлазиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.
Мусахҳҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.40 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5 6